

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 23 май, № 105 (7335) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 май куни электротехника саноатини ривожлантириш, соҳада ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Ҳаёт сифати ўсиши билан аҳоли орасида ва иқтисодиёт тармоқларида электротехника маҳсулотларига талаб тобора ошиб бормоқда. Жаҳон миқёсида бундай товарлар экспорти ҳажми 2 триллион 500 миллиард доллардан ошиб, йилига 10 фоиз ўсиш кузатилмоқда.

Бу соҳа мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўринга эга. Ички бозор, муассаса ва хонадонлар юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминланган. Ўтган йили, масалан, тармоқ корхоналарида 2 мингдан ортиқ турдаги 9 триллион 600 миллиард сўмлик товарлар ишлаб чиқарилган.

Шу билан бирга, соҳага кенг шароитлар яратилганига қарамай, катта миқдорда электротехника буюмлари импорт қилиняпти. Минтақа бозорида эса мамлакатимизнинг экспорт улуши етарли эмас.

Йиғилишда экспорт-импорт конъюнктурасини ўрганиш асосида электротехника саноатини ривожлантириш, янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига 2022 йилгача ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар ошириш ҳисобига импортни оптималлаштириш ва экспортни 500 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз бунинг учун хом ашёни чуқур қайта ишлаб, қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Ҳозирги кунда мисдан тайёрланаётган маҳсулотларнинг 50 фоизидан кўпроғи оддий симдан иборат. Шуни чуқур қайта ишлаб, мис трубкалар, интернет ва алоқа кабеллари тайёрланса, жаҳон бозорида қимматроқ сотилади. Маиший техника, қурилиш, саноат ва медицина учун зарур асбоб-ускуналар ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш борасида ҳам салоҳият етарли экани қайд этилди.

Маҳсулотлар экспортида транспорт харажатларини камайтириш зарурлиги таъкидланди.

Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар кўламини кенгайтириш, уларнинг таннархини камайтириш масаласи муҳокама қилинди.

Ишлаб чиқаришда қўлланилаётган кўпгина эҳтиёт қисмлар импорт қилинаётгани, бу таннархнинг қимматлашишига олиб келаётгани кўрсатиб ўтилди. Музлаткич ва иситиш ускуналари, компьютер техникаси, мобиль алоқа воситалари, қуёш панеллари ва бошқа юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш орқали юртимиз корхоналарининг ички бозордаги ўрнини янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига янги маҳсулотларни ўзлаштириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Юртимиз маҳсулотларига ички ва ташқи бозорда барқарор талабни шакллантириш, давлат харидлари ва саноат кооперациясидан кенг фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, қурилиш, энергетика, ахборот ва коммуникация технологиялари, автомобилсозлик каби тармоқларда ички кооперацияни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Хорижий бозорларга кириб бориш учун ташқи ҳамкорликни ҳам ривожлантириш муҳим. Шу боис жаҳонга машҳур брендлар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, маҳсулотларни халқаро стандартлар асосида сертификатлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Ишлаб чиқарувчиларга яратилган шароитлар таҳлил қилинар экан, бу борада эркин иқтисодий зоналар муҳим ўрин тутиши қайд этилди. “Навоий” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналарида янги лойиҳаларни жойлаштириш, “Термиз” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш бўйича таклифлар билдирилди. Тармоқни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарувчилар учун қулай шароит яратиш мақсадида замонавий инфратузилмага эга электротехника технопарклари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда берилган топшириқлар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 26 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 3 майда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги 938–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4–5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «саккиз баробари» деган сўзлар «ўн баробари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **31-модданинг олтинчи қисмидаги** «саккиз баробаридан» деган сўзлар «ўн баробаридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»**ги 265–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) **41-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тиббий маълумотга эга бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича махсус комиссиянинг хулосаси асосида халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўладилар»;

**иккинчи – олтинчи қисмлар** тегишинча **учинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **«Давлат божхона хизмати тўғрисида»**ги 472–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–502-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 678-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **6-модданинг иккинчи қисмидаги** «Олий ҳарбий божхона институти» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти (бундан буён матнда Божхона институти деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **13-модда олтинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «Олий ҳарбий божхона» деган сўзлар «Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **16-модда тўққизинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «Олий ҳарбий божхона» деган сўзлар «Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **17-модда**:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Божхона институтининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишувга биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади»;

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш ва кенгайтириш бўйича кўрилаётган комплекс ташкилий-техник чоралар телекоммуникация хизматларининг сифатини яхшилаш ва турларини ошириш, шу жумладан, мобил алоқа қамровини кенгайтиришга имкон бермоқда.

Шу билан бирга, олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида, туристик ва рекреацион ҳудудларда, магистраль автомобиль ва темир йўллари бўйида телекоммуникация инфратузилмасини, шунингдек, интернет тармоғига симсиз кенг полосали уланиш тармоқларини ривожлантириш суръатлари етарли эмас.

Телекоммуникация тармоқларини жадал ривожлантиришга салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш, электрон давлат хизматларининг оммабоплигини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши учун зарур инфратузилмани яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

телекоммуникация тармоқлари, қурилмалари, воситалари ва объектлари, операторлар ва провайдерларнинг мобил алоқа базавий станциялари, шу жумладан, ижарага берувчиларнинг ҳудудларида ижара асосида ўрнатилган станциялар (кейинги ўринларда — телекоммуникация объектлари) мулкчилик шаклидан қатъи назар, **муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари** ҳисобланади;

**муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари**, шу жумладан, кабель канализацияси, паст токли кабель шахталари, телекоммуникация қурилмаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфратузилмалар **билан таъминланмаган** жамоат, саноат, тураржой, маъмурий бинолар ва иншоотларни **қуриш ҳамда фойдаланишга қабул қилишга йўл қўйилмайди,** лойиҳа-смета ҳужжатлари 2019 йил 1 июлгача тасдиқланган бинолар ва иншоотлар бундан мустасно;

телекоммуникация объектларини кўчириш, қайта ўрнатиш, шунингдек, уларнинг фаолиятига учинчи шахслар томонидан ҳар қандай аралашиш юзага келган муаммоларни ҳал этишнинг бошқа имкониятлари мавжуд бўлмаган ҳоллардагина ҳамда **фақат мазкур объектларнинг эгаси билан келишилган ҳолда** амалга оширилади. Бунда телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг телекоммуникация объектларини кўчириш ёки қайта ўрнатиш, уларни созлаш ишларини амалга ошириш бўйича харажатлари мазкур ўзгаришларнинг ташаббускори томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади;

бинода яшовчилардан телекоммуникация хизматларини тақдим этишга ариза мавжуд бўлганда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари телекоммуникация операторлари ва провайдерларига бино ичида телекоммуникация тармоқларини паст токли кабель шахталари, телекоммуникация қурилмаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфратузилмадан беғараз асосда фойдаланган ҳолда ўтказишни рад этишга ёки тўсқинлик қилишга ҳақли эмаслар, мобил алоқа база станцияларини ўрнатиш бундан мустасно.

2. 2019 йил 1 августдан шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) давлат-хусусий шериклик шартларида олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган бюджет ташкилотлари учун телекоммуникация инфратузилмасини яратишни таъминлаган телекоммуникация операторлари ва провайдерларига, мобил алоқа операторларидан ташқари, 10 йил давомида қуйидагилар кафолатланади:

уларнинг хизматларидан олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари фойдаланиши;

“Ўзбектелеком” АК томонидан интернет тармоғига кириш хизматини уланиш жойидан қатъи назар, ягона тариф бўйича тақдим этилиши;

олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари томонидан мазкур ташкилотларга, шунингдек, ушбу ҳудуддаги аҳоли ва бошқа юридик шахсларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган телекоммуникация воситаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфратузилмаларни беғараз асосда тақдим этиш;

б) телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг фойда солиғи ҳамда ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солинадиган база олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари учун муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини яратишга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтирилади.

**(Давоми 2-бетда).**

# РОССИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛАЁТГАН ЖИҲАТ

***Кеча Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари намойишига ихтисослаштирилган “Expo — Contract Food & Goods Uzbekistan — 2019” биринчи Ўзбекистон — Россия кўргазмаси иш бошлади.***

**Кўргазма**

Кейинги пайтда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстона муносабатлар, стратегик алоқалар юқори босқичга кўтарилди. Эндиликда ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бу жараёнда савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий алоқалар асосий ўринни эгаллаб, вилоятларда Россия сармояси иштирокида кўплаб корхоналар ташкил этилмоқда. Кўргазмада экспортбоп маҳсулотлари билан қатнашаётган “Шелково Агрохим — Узбекистан” қўшма корхонаси ана шундай тенг манфаатли ҳамкорлик мевасидир.





➡ 4

## Жанубий Корея компанияси Фарғонада йирик корхона очади

Фарғонада Жанубий кореялик тадбиркор, “Dong-a electric” компанияси раҳбари Тэ Ву Ким вилоят ҳокими Шуҳрат Ғаниев билан учрашди. Мулоқот жараёнида Ўзбекистоннинг Жанубий Кореядаги элчиси Виталий Фен ҳам иштирок этди.

Жаноб Тэ Ву Ким ўзбек халқи корейслар бошига оғир кунлар тушганида ҳамдард бўлганини, уларни

**Ҳамкорлик**

қабул қилиб, алоҳида меҳр-мурувват кўрсатганини тарихдан яхши билишини, бу муносабатларни доимо қадрлашини таъкидлади. Ҳозирги кунда ҳам корейсларнинг эмин-эркин яшаши учун барча шароит яратилган, улар Ўзбекистонни она Ватаним, деб эъзозлаётганига гувоҳ бўлганини қайд этди.

➡ 4

# ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН 5 ТАШАББУС — АМАЛДА

**1** Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

**2** Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

**3** Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

**4** Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

**5** Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

## ЁШЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА

*Президентимизнинг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган беш муҳим ташаббуси юртимизда ёшларга оид ислоҳотларга янада жадал суръат бахш этди. Ўзгаришлар эпкини ҳар бир тумандаги таълим муассасалари, маҳаллалар, оилаларга кириб бормоқда. Энг муҳими, бу янгиланишлар одамлар тафаккури, дунёқараши, ҳаётга, ишга муносабатини ўзгартиряпти. Зеро, биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш, иккинчи ташаббус эртамиз эгаларини жисмоний чиниқтириш, спорт соҳасида қобилиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ҳамда интернетдан самарали фойдаланишни кучайтиришга қаратилган. Тўртинчи ташаббус ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни ташкил этишга хизмат қилса, бешинчи ташаббус хотин-қизларнинг муайян касб-корга, даромадга эга бўлишларига имкон яратмоқда.*

*Мутасадди ташкилотлар раҳбарларидан ушбу эзгу ва хайрли ташаббусларнинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёни ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.*

3-саҳифага қаранг. ➡



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**тўртинчи** – **ўн тўртинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи** – **ўн бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**бешинчи қисмидаги** «биринчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **18-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «Олий ҳарбий божхона» деган сўзлар «Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «Олий ҳарбий божхона» деган сўзлар «Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) **22-модданинг ўн олтинчи қисмидаги** «Олий ҳарбий божхона» деган сўзлар «Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **23-модданинг тўртинчи** ва **ўн саккизинчи қисмларидаги** «Олий ҳарбий божхона» деган сўзлар «Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) **26-модданинг биринчи қисмидаги** «Олий ҳарбий божхона» деган сўзлар «Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин;

9) **32-модданинг иккинчи қисмидаги** «Олий ҳарбий божхона» деган сўзлар «Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»**ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модда учинчи қисмининг**:

**тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**бешинчи**, **олтинчи** ва **еттинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи**, **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «масъул қўмитанинг» деган сўзлар «қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул бўлган қўмитанинг (бундан буён матнда масъул қўмита деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модданинг учинчи қисмидаги** «қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари» деган сўзлар «коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **8[1]-модда** чиқариб ташлансин;

4) **13-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Спикери масъул қўмитани белгилайди, қонун лойиҳасини ҳамда унга илова қилинган материалларни масъул қўмитага ва бир вақтнинг ўзида, фракцияларга (депутатлар гуруҳларига) топширади, шунингдек фракциялар (депутатлар гуруҳлари) томонидан фикрлар ва таклифларни ҳамда масъул қўмита томонидан хулосани тақдим этиш муддатини белгилайди»;

5) **14-модданинг учинчи қисмидаги** «агар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан бошқа муддат белгиланган бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **19-модданинг учинчи қисмидаги** «Қонунчилик палатаси Кенгаши Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг ахборотини эшитиб» деган сўзлар «Қонунчилик палатаси Спикери» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»**ги 523–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модданинг учинчи қисмидаги** «қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари» деган сўзлар «суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **32[1]-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари» деган сўзлар «Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **32[8]-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари» деган сўзлар «Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 7, 431, 433-моддалар; 2019 йил, № 1, 1-модда) **70-моддаси биринчи қисми 3-бандининг еттинчи хатбошисидаги** «Соф ичимлик суви» деган сўзлар «Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган **«Парламент назорати тўғрисида»**ги ЎРҚ–403-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 123-модда; 2017 йил № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модданинг бешинчи қисмидаги** «Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари» деган сўзлар «Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **19-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари» деган сўзлар «Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**9-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 22 май
№ ЎРҚ—540

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотларига, улар телекоммуникация тармоқларига уланганидан сўнг, уларнинг буюртмалари бўйича телекоммуникация хизматларидан фойдаланишлари учун зарур маблағларни ажратсин.

3. Белгилансинки:

Wi-Fi технологияси бўйича симсиз маълумотлар узатиш учун сигнал қувватидан қатъи назар, 2400-2483,5 МГц ва 5000-5999 МГц радиочастота полосаларида **эксплуатацион йиғим ва радиочастота спектридан фойдаланганлик учун тўлов ундирилмайди;**

давлат кўчмас мулкидан телекоммуникация объектларини ўрнатиш учун фойдаланганлик ижара тўловининг энг кам ставкалари, оширувчи коэффициентларни қўлламаган ҳолда, “симли электр алоқаси”дан фойдаланиш мақсади бўйича ставкага тенг миқдорда қўлланилади.

4. Телекоммуникация операторлари ва провайдерларига 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат субдоменида (gov.uz) жойлаштирилган ахборот ресурсларига киришда ишлатиладиган трафик учун ҳақ олмаслик тавсия этилсин.

5. Телекоммуникация операторлари ва провайдерларига 2022 йил 1 январга қадар телекоммуникация объектларини қуриш-монтаж ишларини, радиоэлектрон воситаларни ўрнатиш майдончаларини (жойларини) ўрнатилган тартибда келишгандан сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан параллел равишда амалга оширишга истисно тариқасида рухсат этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда жамоат, маъмурий, тураржой ва саноат мақсадларидаги бинолар ва иншоотларни лойиҳалашга топшириқларни ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва келишиш босқичларида мажбурий тартибда қуйидаги талабларни кўзда тутсинлар:

биноларда телекоммуникация объектларини ўрнатиш учун тегишли майдонлар ва инфратузилмаларни, уларга электр таъминотини келтирган ҳолда, ажратилишини;

бинолар ичида телефония, маълумотлар узатиш ва интернет тармоқлари, кабель телевидение ва эфир телевидениесини жамоавий қабул қилиш тизимлари, шунингдек, “хавфсиз уй” ва қўриқлаш сигнализацияси кабелларини ўтказиш учун паст токли кабель шахталари мавжудлигини;

тураржой, жамоат, маъмурий ва саноат ҳудудларида телекоммуникация линияларини ётқизиш ва телекоммуникация объектларини (телекоммуникация шкафлари, антенна миноралари, мачталари ва бошқалар) ўрнатиш учун тегишли ер участкалари ажратилишини.

7. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги:

телекоммуникация операторлари ва провайдерларига телекоммуникация объектларини ўрнатишга ҳар тарафлама кўмак берсин, шунингдек, заруратга кўра, уларнинг темир йўллар бўйидаги электр тармоқларига уланишини таъминласин;

йўл-транспорт инфратузилмасини қуриш ва капитал таъмирлашда бир вақтда темир йўллари бўйлаб, шунингдек, заруратга кўра, автомобиль йўллари бўйлаб келгусида телекоммуникация операторлари ва провайдерларига ижарага бериш учун телекоммуникация канализациясини қуришни кўзда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда телекоммуникация инфратузилмасини яратиш ҳамда олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотларга, шунингдек, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоят марказларида тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг сервер ҳамда телекоммуникация қурилмаларини замонавий майдончаларда жойлаштириш бўйича хизматлар мажмуасини тақдим этувчи хостинг ва трафик алмашуви марказларини ташкил этиш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида кенг полосали уланиш ва мобил интернет қамрови зоналари тўғрисида ҳудудлар кесимидаги маълумотларни чоп этиб борсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг мурожаатлари асосида олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида, туристик ва рекреацион зоналарда, магистраль автомобиль ва темир йўллари бўйларида доимий фойдаланиш (ёки узоқ муддатли ижара) ҳуқуқида телекоммуникация тармоқларини, шу жумладан, оптик-толали алоқа линияларини, антенна минора ва мачталарини ҳамда телекоммуникация объектларини ўрнатиш хоналарини қуриш учун ер участкаларининг ўз вақтида ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда илғор халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда мобил алоқа ва симсиз уланиш қурилмаларидан турли частоталардаги электромагнит нурланиши таъсири хавфсизлигининг санитария қоидалари ва меъёрларини қайта кўриб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги “Ўзбекэнерго” АЖ билан биргаликда олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида, туристик ва рекреацион зоналарда, магистраль автомобиль ва темир йўллар бўйларида қуйидагиларни ўз вақтида таъминлаб борсин:

телекоммуникация операторлари ва провайдерлари мурожаатлари бўйича телекоммуникация объектларини электр тармоқларига улаш;

вилоятлар ва туманлар марказларидаги мобил алоқа тармоқлари базавий станцияларини ҳамда телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг марказий боғламаларини, телерадиоэшиттириш объектларини электр тармоқларидан ўчирилмайдиган тоифали объектлар қаторига киритиш;

электр тармоқлари таянч устунларига телекоммуникация тармоқларини беғараз асосда ўрнатишга (осишга) рухсат бериш.

12. 2022 йил 1 январга қадар юридик шахслар томонидан олиб кириладиган телекоммуникация воситалари иловага мувофиқ божхона тўловларини тўлашдан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туристик объектларда босқичма-босқич, шу жумладан, 2019 йилда давлат-хусусий шериклик шартларида интернет тармоғидан симсиз фойдаланиш бўйича оммавий нуқталарни ташкил этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишга техник топшириқларни комплекс экспертизадан ўтказиш ва тегишли хулоса беришни улар киритилган санасидан бошлаб икки ҳафта муддатда таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда телекоммуникация объектларини олиб кириш, лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга қабул қилишда рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш ва қисқартириш;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 22 май

## Қонунлар кучга кирди

# ЯЙЛОВЛАР МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИ



*Республикамиз ер майдонининг 46,5 фоизини яйлов ва пичанзорлар ташкил этади. Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили улардан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳал этилиши зарур бир қатор долзарб муаммолар, ҳуқуқий бўшлиқлар ҳамда ҳуқуқий тартибга солиниши лозим бўлган масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.*

Хусусан, мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи махсус қонун қабул қилинмаган. Яйловлардан оқилона фойдаланиш юзасидан ҳуқуқий муносабатлар белгиланмаган. Уларни муҳофаза қилиш ҳамда маҳсулдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар жорий этилмаган. Шунингдек, яйловлардаги мавжуд сув таъминоти иншоотлари эскириб, кўпи яроқсиз ҳолатга келган. Оқибатда республикадаги яйловларнинг ҳолати йилдан-йилга ёмонлашиб бормоқда.

Сўнгги 35 — 40 йил давомида кўчма чорвачиликда яйловлардан меъёрдан ортиқ фойдаланганлик, молларни яйловларда ортиқча боқиш ва бошқа антропоген таъсирлар натижасида чорва озуқаси ҳажмининг йўқолиши, яйлов ерлари инқирози содир бўлаётир. Соҳа мутахассислари таҳлилларига кўра, ҳозирги кунга келиб, мамлакатдаги умумий 21,1 млн. гектардаги яйлов майдонларидан 16,4 млн. гектари (78 фоизи) инқирозга учраган. 20 фоиздан ортиқ майдондаги яйлов ва пичанзорда ўсимликлар салмоғи ҳамда турлари камайиб, маҳсулдорлик 2 баробар, шу жумладан, озуқа экинлари ҳосилдорлиги гектарига 1,5-2,5 центнерга қисқарган.

Ўтган асрнинг 90-йилларида яйловларда 274 хил ўсимлик учраган бўлса, бугунги кунда уларнинг атиги 42 турини учратиш мумкин. Қолганлари яйловларга қаровсизлик, улардан хўжасизларча фойдаланиш ва пайҳон қилиниши натижасида йўқолиб кетган. Инқирозга учраган яйлов майдонларини аниқлаш ва уларни тиклаш ҳамда ҳосилдорлигини ошириш учун озуқабоп экинларни экиш ишларига етарлича эътибор қаратилмаган. Бу эса, ўз навбатида, соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи махсус қонун ишлаб чиқишни тақозо этар эди.

Президентимиз томонидан жорий йил 20 май куни имзоланган “Яйловлар тўғрисида”ги Қонун ушбу соҳани тубдан такомиллаштириш ва ҳуқуқий асосларини белгилаб беришга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Бинобарин, ушбу Қонун билан, биринчидан, мамлакат умумий ер майдонининг қарийб ярмини ташкил этадиган яйловлардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилади. Тегишли давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг яйловлардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари ва мажбуриятлари, уни бошқариш, инқирозга учраган яйлов майдонларини аниқлаш ва уларни тиклаш ҳамда ҳосилдорлигини ошириш учун озуқабоп экинлар экиш йўлга қўйилади.

Иккинчидан, озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини, аҳолига гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб беришни кўпайтириш ҳамда уларни экспорт қилиш учун янги имкониятлар яратилади. Яйловларни муҳофаза қилиш ва уларнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқот ва инновацион ишланмалар ишлаб чиқаришга жорий этилади.

Учинчидан, чорвачиликда яйловлардан фойдаланишнинг меъёрлари белгиланиб, чорва озуқаси ҳажмининг йўқолиши, яйлов ерлари инқирозининг олди олинади. Шунингдек, Қонун яйловларни муҳофаза қилиш, доимий кузатиб бориш, уларни такрор кўпайтириш ва тиклашда ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Умуман айтганда, Ўзбекистон Республикасининг “Яйловлар тўғрисида”ги Қонуни қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган тизимли ислоҳотларга ҳамоҳанг бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини, аҳолига гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб беришни кўпайтириш ҳамда уларни экспорт қилиш учун янги имкониятлар яратилишига хизмат қилади.

**Тўлқин ЭШНАЗАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.**

# САЛОҲИЯТНИНГ АТИГИ 0,31 ФОИЗИ ЎЗЛАШТИРИЛМОҚДА



*Кўмир, нефть, табиий газ ва уран каби қазилма бойликлардан иборат энергия манбаларини қазиб олиш, фойдаланишдаги муаммолар ҳатто халқаро даражада жиддий манфаатлар тўқнашувларини юзага келтираётгани, энг асосийси, энергия захиралари йилдан-йилга камайиб бораётгани каби масалалар дунё миқёсида доимий муҳокамадаги мавзулардандир.*

Экспертлар хулосаларига кўра, Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларининг салоҳияти 51 млрд. тонна нефть эквивалентига тенг бўлиб, техник имкониятлар эса 182,32 млн. тонна нефть эквивалентини ташкил этар экан. Бу кўрсаткич мамлакат бўйича йилига қазиб олинадиган бирламчи энергетика захираларининг ҳозирги ҳажмидан уч баробар кўпдир. Афсуски, бугунги кунда қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича мамлакатимиздаги мавжуд салоҳиятнинг атиги 0,31 фоизигина ўзлаштирилмоқда.

Соҳада инновация технологияларини, илмий-техникавий ишланмаларни жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштириш каби қатор долзарб вазифаларнинг ўз вақтида ҳал этилиши учун ҳам куни кеча Президентимиз томонидан имзоланган “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ўта долзарб.

Унда қайта тикланувчи энергия манбаларига доир асосий тушунчалар ва ушбу соҳани бошқариш, давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, жамоатчилик иштироки ҳамда ишлаб чиқарувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларга бериладиган имтиёзлар билан бир қаторда, энергияга доир тарифлар каби ҳуқуқий нормалар акс этган.

Шу билан бирга, Қонунда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар учун солиқ имтиёзлари ҳам белгиланган.

**Қувондиқ САНАҚУЛОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛАДИ



*Бугунги кунда ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар натижалари мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида тажриба тариқасида кенг кўламда қўлланиб келинмоқда. Жумладан, турли қувватлардаги фотоэлектрик қурилмаларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани бунга мисол бўлади.*

Қонун билан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш йўналишини жадал ривожлантириш орқали жойларда учраб турадиган энергия тақчиллиги муаммоларини бартараф этиш мақсадида соҳада фаолият олиб борувчилар, яъни ишлаб чиқарувчиларга давлат томонидан енгилликлар берилаётгани ҳам муҳимдир.

Хусусан, Қонуннинг 13-моддасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланиб, унга кўра, нарх ва тариф сиёсатини шакллантириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида солиқ, божхонага оид ва бошқа имтиёз ҳамда енгилликлар белгиланган.

Шунингдек, Қонун бизнинг иқлим шароитимизда қуёш ва шамол ресурслари, кичик гидроэнергетика, биомасса каби мавжуд энергия манбаларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Бу эса чекка, тоғли ва узоқ ҳудудларни энергия манбаи билан таъминлашнинг иқтисодий асосланган, самарали ягона йўли қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш эканлигидан келиб чиққан ҳолда, жойлардаги муаммоларнинг ҳал этилишида муҳим ўрин тутади.

**Азим ЛАТИПОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН 5 ТАШАББУС — АМАЛДА

**1** Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

**2** Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

**3** Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

**4** Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

**5** Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

# ЁШЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА

**Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,**
**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси:**



— Президентимизнинг ёшларни китобхонлик, маданият, санъат, спорт, ахборот технологияларига янада қизиқтириш ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлашга доир ташаббуслари, шубҳасиз, улуғвор мақсадлар инъикосидир. Ҳар қайси ташаббусни рўёбга чиқариш эса биздан нафақат катта масъулият, балки йигит-қизларнинг фикр-истакларини ҳам ўрганиш, инобатга олиш, уларга ҳаммаслак, ҳамкор бўлишни тақозо этади.

Сир эмас, барча иллатлар бекорчиликдан келиб чиқади. Бу ҳақиқат ёшлар ўртасида қайд этилаётган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари таҳлилида ҳам ўз тасдиғини топмоқда. Шу боис ҳамкор ташкилотлар билан бирга навқирон авлод вакилларининг бўш вақтини самарали ташкил этишга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, Бўка туманида рўёбга чиқарилаётган биринчи ташаббус доирасида бир қанча маҳаллалар ҳудудида маданият марказлари замон талаблари асосида таъмирланиб, тўлиқ жиҳозланяпти. Шунинг ҳисобига 50 та тўгарак ҳамда кинотеатр ташкил қилинади.

Бандлик масаласи ҳам эътиборимиз марказида. Аксарият ёшлар интернетдан фойдаланишини инобатга олиб, ижтимоий тармоқларда "Мен ишга жойлашдим" саҳифасини очдик. У орқали жамоатчилик бўш иш ўринлари тўғрисида мунтазам хабардор этилмоқда. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда ёшларни қонуний асосда ишлаш учун хорижга юбориш амалиёти ҳам жорий этилган. Бундан ташқари, туман ва шаҳарларда ёшлар тадбиркорлик кластерлари ташкил қилиняпти. Ўз бизнесини йўлга қўйган йигит-қизлар фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини "ноль" қиймати билан ижарага олиш ҳуқуқига эга. Ҳатто иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналарининг резидентлари Ёшлар иттифоқига аъзо бўлган тақдирда, улардан ижара ҳақи олинмайдиган тартиб ўрнатилди. Ҳунармандлик, айниқса, уйда касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларга минитехнологиялар, асбоб-ускуна ва бошқа зарур жиҳозлар сотиб олиши учун имтиёзли кредитлар ажратиляпти.

Иттифоқ ёшлар ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаяпти. Масалан, бир етакчимиз Бўка туманида вокал инструментал ансамбль тузиш таклифини берганди. Бажонидил, имкон қадар ёрдам беряпмиз.

Давлатимиз раҳбари ташаббусидан келиб чиқиб, ҳудудларга "Китоблар карвони" жўнатилмоқда. Шу аснода мактаб кутубхоналари янги адабиётлар билан бойимоқда. Мисол учун, Бўка туманидаги таълим муассасаларига Иттифоқ ҳисобидан шу кунгача 15 минг дона бадиий китоб етказиб берилди. Қисқа фурсатда маҳаллий ёшларга электрон китобларни QR коди орқали ягона базадан бепул юклаб олиш имконияти ҳам яратилади.

Туманларда "Рақамли дунё ҳақида қисқача" мавзуида давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Мутахассислар йигит-қизларга замонавий технологиялар жадал суръатда ривожланаётган бугунги даврда ахборот хавфсизлигини таъминлаш долзарб масала эканини, компьютерда сақланаётган маълумотларни ҳимоя қилиш учун криптографик қурилмалар, лицензияланган дастурий маҳсулотлар ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш зарурлигини тушунтирмоқда.

**Ином МАДЖИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири:**



— Давлатимиз раҳбарининг беш муҳим ташаббуси ёшлар билан ишлашда ёндашувларимизни ўзгартирди. Дарҳақиқат, йигит-қизларимиз яхши таълим олсин, деймиз. Шу билан бирга, улар мазмунли ҳордиқ чиқариши, ўзлари қизиққан машғулотлар билан шуғулланиши ҳам керак.

Шу асосда вазирлигимиз томонидан махсус дастур ишлаб чиқилди. Унда ўқувчи-талабаларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ўқув даргоҳларида "Санъат ва маданият ойлиги", "Театр кунлари", талабалар театр студияси ташкил этиш мўлжалланяпти. Маданият, санъат соҳасига тегишли таълим йўналишлари талабаларининг амалиётлари мактабларда ташкил этилади. Бу истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш, уларни театр студиялари томошалари, санъат асарлари кўргазмалари, танловларга кенг жалб этиш имконини беради. Таълим масканларида фитнес заллар, аэробика, шейпинг каби спорт турлари фаолияти йўлга қўйилади. Оммавий спорт турлари бўйича "Ректор кубоги" мусобақалари, юриш, югуриш марафонлари ўтказиш режалаштирилган.

Президентимиз ташаббусларидан келиб чиқиб, ўқувчи-талабаларнинг интернет ва медиа маданиятини шакллантириш учун таълим муассасаларида семинар-тренинглар ташкил этилмоқда. Шунингдек, "Ёш тарғиботчилар" виртуал клублари фаолияти йўлга қўйилади. Талаба ва ўқувчилар ўртасида "Миллий компьютер ўйинлари" танлови, IT-олимпиадалар ўтказилади.

Китобхонлик янада кенг тарғиб қилиняпти. Эндиликда ҳар бир олий таълим муассасасида "Нотиқлик санъати" ва "Reading club"лар ташкил этилиб, талабалар ўртасида "Мен севиб ўқиган китоб" мавзуида иншолар кўрик-танлови ўтказиш, ёшлар ижоди намуналари жамланган тўпламлар нашр қилиш мунтазамлик касб этади.

Махсус дастурда ўқувчи ва талаба қизларга касб-ҳунар ўргатиш масалалари ҳам ўрин олган. Унга кўра, ўқув масканларида касбга йўналтирувчи махсус курслар ташкил этилиб, уларга илмий салоҳияти, инсоний фазилатлари билан ўрнак бўлаётган профессор-ўқитувчи аёллар жалб қилинади. Талаба қизлар учун "Оилавий тадбиркорлик ва имкониятлар" мавзуида ўқув-семинарлар уюштирилади. Маҳаллаларда профессор-ўқитувчилар, психологлар иштирокида ҳар бир муаммоли оила ва тарбияси оғир ёшлар билан индивидуал суҳбатлар олиб боришни кўзда тутганмиз. Олий таълим муассасалари ҳузурида сертификат берадиган қисқа муддатли ўқув курслари эса банд бўлмаган ёшларнинг касб-ҳунарга оид билим ва кўникмаларини бойитиб, жамиятда ўз ўринларини топишларига ёрдам беради, деган умиддамиз.

**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси маданият вазири:**



— Тан олишимиз керак: мусиқа ва санъат мактаблари ҳали-ҳануз турли чолғу асбоблари билан тўлиқ таъминланмаган, жойлардаги баъзи маданият марказлари замон талабларига жавоб бермайди. Уларда ёшларнинг қизиқишларига мос тўгараклар фаолияти йўлга қўйилмагани ҳам бор гап. Президентимизнинг кенг кўламли ислоҳотларга асос бўлган ташаббуслари бу борадаги муаммоларни самарали ҳал этишнинг ойдин йўлидир. Шундай экан, ёшлар ижоди, иқтидорини рўёбга чиқаришга қаратилган қатор амалий вазифаларни белгилаб олдик. Йигит-қизларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш бўйича "йўл харитаси" тузилди.

Халқимиз ардоғидаги артистлар, таниқли рассомлар, санъат арбоблари, маданият ходимларини туман ҳамда шаҳарлар ҳокимларига ижодий маслаҳатчи сифатида бириктириш жадвалини тасдиқладик. Шунингдек, мавжуд 312 та болалар мусиқа ва санъат мактабида 816 та қўшимча синф очиляпти. Фаолият кўрсатаётган 821 маданият марказида халқ чолғу, торли чолғу, фортепиано, анъанавий хонандалик, анъанавий чолғу ижрочилиги, эстрада ижрочилиги, тасвирий санъат ҳамда бошқа йўналишлар бўйича 1837 та тўгарак ташкил этилади. Ҳар бир туман, шаҳар марказий маданият марказларида иқтидорли йигит-қизлардан иборат "Бойчечак" болалар, "Парвоз" ўсмирлар, "Ифтихор" ёшлар ижодий жамоалари шакллантирилмоқда.

Бундан ташқари, юртимизнинг олис ва чекка ҳудудларида "Автоклуб"лардан фойдаланган ҳолда, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси, Ўзбекистон давлат филармонияси ва уларнинг ҳудудий бўлимлари, Ўзбек миллий мақом санъати маркази ва ҳудудий ансамбллари томонидан концерт дастурларини, республика театрлари ҳамда кўчма циркларнинг ҳудудларга гастроль сафарларини, музейларнинг кўчма кўргазмаларини мунтазам равишда уюштирамиз. Бунга имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли.

**Шерзод ШЕРМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири:**



— Президентимиз ташаббуслари фаолиятимизга янгича руҳ бағишлади. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга астойдил ҳаракат қиляпмиз. Хусусан, 2 минг 804 та умумтаълим мактабида ҳаваскор ёшлар театр-студиялари ташкил этилди. Ушбу студиялар томонидан ўқувчиларда миллий маданиятимизни шакллантиришга қаратилган пьеса ва саҳна намойишлари тақдим қилинади. Бугунги кунда ёшларимиз "Ўткан кунлар", "Шум бола", "Афанди ва ёлғончи", "Қушларга меҳр беринг" каби асарларни нафақат мутолаа қилмоқда, балки Отабек ва Кумуш, Афанди, Шум болани саҳнада гавдалантирмоқда.

"Ижодкор болалар" фестивали, "Бахтли болалик" шиори остида умумтаълим мактаблари хор жамоалари иштирокида челленж ўтказиш ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга, "Ёш ҳунарманд" танлови уларни касб-ҳунарга йўналтиришга хизмат қилишига ишонамиз.

Илгари мактабларда, спорт заллари ва инвентарлари билан таъминланган таълим муассасаларида ҳам икки-уч спорт тури бўйича машғулотлар олиб борилар эди. Президентимиз ташаббуслари ўқув масканларида баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, енгил атлетика, шахмат, шашка, стол тенниси, кураш, минифутбол каби спортнинг 10 та туридан секция машғулотлари йўлга қўйилишига туртки бўлди. Умумтаълим мактабларида баскетболни оммалаштириш мақсадида АҚШнинг "One-on-one basketball" компанияси билан учрашув ўтказиб, ҳамкорлик меморандуми имзолашни режалаштириб олдик. Унга асосан, ўқувчиларнинг "Junior NBA" баскетбол лигаси йўлга қўйилади.

Ўқувчиларни замонавий касбларга тайёрлаш, уларнинг робототехника, мехатроника ва дастурий таъминот бўйича ғояларини амалга оширишига имконият яратиш мақсадида жорий йилда "Youth techno art" болалар техник ижодкорлиги халқаро фестиваль-танлови, "Кашфиётчи болалар", "Йилнинг энг яхши дастурчиси" кўрик-танловларини ўтказишни режалаштирдик.

Ўғил-қизларда китобхонлик маданиятини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда таниқли ёзувчи ва шоирлар иштирокида ўқувчилар билан онлайн мулоқотлар ташкил этиш тизими йўлга қўйилади. Энди қишлоқ жойларидаги ўқувчилар ҳам студияларда туриб, таниқли ёзувчилар билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлади. "Мен севган асар" шиори остида ўтказиладиган танловда ғолиб бўлган ўқувчи 100 дона китоб ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Муҳими, жўшқин ҳаракат жараёнида муносиб қатнашишга интилмоқдамиз. Албатта, бу эзгу ишлар ўз самарасини беради, кўзлаган мақсадларимизга эришамиз.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

## Ибрат

*Вобкент тумани маданият маркази қошида "Бойчечак" болалар ижодий жамоаси фаолияти йўлга қўйилаётгани тўғрисидаги хабар рақс санъатига меҳр қўйган Дилсора Каромовага қанот бағишлагандек бўлди. "Найман" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 28-умумтаълим мактабида ўқиётган Дилсорани оиласидагилар қўллаб-қувватлашди. Натижада у шу ижодий гуруҳнинг фаол аъзосига айланди.*

# «БОЙЧЕЧАК»НИНГ ПАРВОЗИ

Туман марказидаги Гулзор кўчасида яшовчи Ҳусниддин Худойбердиев эса халқ оғзаки ижодига қизиқади. Фольклор қўшиқларни хиргойи қилиб юрадиган бу ўсмир ҳам энди ўз иқтидорини юзага чиқариш имконига эга. Негаки, маданият маркази қошида "Парвоз" жамоаси ташкил этилди. Ҳусниддин ҳозир шу жамоа таркибида.

— Президентимизнинг беш ташаббусига мувофиқ, масканимизда чолғу, хонандалик, тасвирий санъат тўгараклари, ҳаваскорлик театр жамоалари ва болалар ансамбллари ташкил этиш кўзда тутилган, — дейди туман маданият бўлимининг ёшлар билан ишлаш бўйича мутахассиси Азамат Нўъмонов. — Шулардан келиб чиққан ҳолда "Бойчечак" болалар, "Парвоз" ўсмирлар ижодий жамоалари фаолиятини йўлга қўйдик. Уларга жами 22 нафар ўғил-қиз жалб этилган.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, иқтидор эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган бу хайрли ишдан таълим муассасалари ҳам четда қолмаяпти. Бухоро шаҳридаги 35-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шаҳноза Курашова ана шундан хурсанд.

— Мактабимизда тасвирий санъат, мусиқа, театр санъати йўналишларида махсус тўгараклар очиляпти, — дейди у. — Ўзим театр санъатига қизиқаман. Мактабнинг "Учқун" театр студияси аъзосига айланганим орзуларим рўёби сари дастлабки қадам бўлади.

***Айни дамда Бухоро вилоятидаги салкам 8 000 нафар ўғил-қизлар маданият муассасаларига доимий жалб этилган. Агар 14 — 30 ёшлилар вилоятда 494 000 нафардан кўпроқлиги назарда тутилса, бу борада жуда катта ишларни амалга ошириш зарурлиги кўзга ташланади.***

— Президентимиз ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида махсус концепция лойиҳаси тайёрланди, — дейди вилоят маданият бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ғолибжон Баротов. — Уч босқичда амалга ошириладиган ушбу концепцияга кўра, болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўнта йўналишда қўшимча 90 та янги синф очилади. 49 та маданият марказида олти йўналишда жами 148 та янги тўгарак ташкил этилади. Туман, шаҳар маданият марказларида ҳаваскорлик театр жамоалари, ансамбллар ва намунали болалар ансамбллари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Эътиборли томони шундаки, "Йўл харитаси" асосида бажариладиган бу ишлар маданият муассасаларига 20 минг нафар ёшни доимий, 39 минг нафардан кўпроқ ўғил-қизларни вақтинчалик жалб этиш имконини беради.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# УЧТЕПА ҲАР ЖАБҲАДА НАМУНА БЎЛАДИ

*Президентимизнинг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган беш муҳим ташаббуси Тошкент шаҳрининг Учтепа тумани ёшлари ҳаётига ҳам янгиланишлар олиб кирмоқда.*

## Президент ташрифидан сўнг

Туманда эртамиз эгаларини маданият, санъат ва адабиётга, жисмоний тарбия ҳамда спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кенг қулоч ёзди.

Айтиш керакки, Учтепада истиқомат қилаётган 93 минг 921 нафар ўғил-қиз эртанги порлоқ истиқболига ишонч билан яшамоқда. Чунки амалга оширилаётган ишлар уларнинг ҳар бирини юксак манзиллар сари етаклаётгани кундек равшан воқеликка айланди.

Шу маънода, 18 май куни эрта тонгда ташкил этилган марафон йигит-қизларни жисмоний фаолликка, соғлом турмуш тарзига чорлади, дейиш мумкин. "Экобоғ"да ўтказилган тадбирда таниқли санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, олимлар ёшлар билан суҳбатлашиб, режалари, мақсаду ниятлари, орзу-умидлари билан қизиқишди. Янграган куй-қўшиқлар йиғилганларга завқу шавқ улашди. Турли китоблар, спорт анжомлари, мусиқа асбоблари, компьютер технологиялари ортилган "Маърифат карвони" ёшларнинг қувончига қувонч қўшди.

Айниқса, "Рақамли технологиялар маркази" ҳамда "Китоб олами" савдо мажмуаси иш бошлагани ушбу тадбирларни янгича мазмун билан бойитди. Ҳудудлардаги маҳаллаларда "Ёшлар меҳнат гузарлари" қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани ҳам нур устига аъло нур.

Мутасаддиларнинг қайд этишича, келгусида тумандаги мактаблар замонавий андозалар асосида таъмирланиб, таълим-тарбия ишлари замон талабларига мос равишда йўлга қўйилади.

**«Халқ сўзи».**




## Муносабат

*Очиғини айтганда, илгари таниқли санъаткорларнинг туманларда маданий-маърифий жараёнлардаги иштироки байрам тадбирларида бир-икки жуфт қўшиқ куйлашдангина иборат бўлиб қолганди.*

# САНЪАТИМ — САОДАТИМ

Давлатимиз раҳбарининг беш муҳим ташаббуси ана шундай қарашларимизни ўзгартирди — жойларда ушбу йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларни мазмунан бойитиб қолмай, бизни уларда фаол иштирок этишга даъват қилди.

Ўзбекистон халқ артисти Ғулом Эшжонов билан бирга Урганч туманига ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилдик. Ушбу тумандаги маънавий-маърифий йўналишларда олиб борилаётган ишларга баҳоли қудрат ёрдам беряпмиз. Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги томонидан Урганч, Ҳазорасп, Гурлан, Қўшкўпир, Шовот ҳамда бошқа туманларда ўтказилаётган турли тадбирларда иштиёқ билан қатнашяпмиз. Ўзимизни эл-юрт тақдирига янада дахлдор ҳис қиляпмиз. Жумладан, ёшларнинг мусиқа, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш мақсадида Хоразм вилоятидаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари, маданият муассасаларида турли йўналишдаги тўгараклар ташкил этяпмиз.

***Ўйлаб қолдик: халқимизнинг тўй ва байрамларида эътибору олқишга сазовор бўлиб юрган биз, санъаткорлар нега келажагимиз эгалари — жондан азиз фарзандларимизни эзгу мақсадлар сари руҳлантиришга, уларнинг билим ва салоҳиятини юксалтириш, орзу-умидларини рўёбга чиқаришга ўзимизни бахшида қилмаслигимиз керак?! Ёшларимиз биздан ўрнак олади, бизга эргашади. Бу барчамизга қанот бағишлаши лозим. Президентимиз ҳам, халқимиз ҳам бугун биздан шуни кутмоқда.***

Тажрибамиз янгидан тузилаётган бадиий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари фаолиятини замонавий талабларга мос ҳолда олиб боришда асқатишига умид қиламиз.

**Ғофур ЭШЖОНОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти.**

# РОССИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛАЁТГАН ЖИҲАТ

◄1



Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари етказиб беришга ихтисослаштирилган мазкур субъектнинг ишлаб чиқариш заводи “Ургут” эркин иқтисодий зонасида бунёд этилаётир. Бугунги кунга қадар 900 минг АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция ўзлаштирилган.

— Заводимиз шу йилнинг якунига қадар ишга туширилади, — дейди ушбу қўшма корхона раҳбари Анвар Мирзаев. — Дастлабки йилнинг ўзида 30 хилдаги жами 5 минг тонна кимёвий воситалар ишлаб чиқарилиб, шунинг 20 фоизи экспорт қилиниши кўзда тутилган. Бугунги кўргазмада нафақат агрокластерлар, балки фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларига мўлжаллаб кичик идишларда қадоқланган маҳсулотларни ҳам намойиш этяпмиз.

Кўргазмада икки мамлакатнинг кичик ва ўрта бизнес вакиллари, агрофирмалари, кластерлари, шунингдек, ҳунармандлари ўз маҳсулотларини таништириб, таклиф этмоқда.

Эътиборимизни “Угличская птицефабрика” акциядорлик жамиятининг маҳсулотлари тортди. Жамиятнинг тижорат ва экспорт масалалари бўйича директори Тимофей Николаевнинг айтишича, беданачиликка ихтисослаштирилган мазкур фабрика Россиядаги энг йирик қишлоқ хўжалиги корхоналаридан бири ҳисобланади. Йилига 220 миллионта бедана тухуми ва 1500 тонна парҳез гўшт етказиб беради. Маҳсулотларнинг тури ҳозир 50 тадан ошган.

— Биз маҳсулотларимизни намойиш этиш учунгина келмаганмиз, — дейди Т. Николаев. — Балки ўзаро тажриба алмашиш, айниқса, селекция борасида ҳамкорлик қилиш, инвестициявий алоқаларни мустаҳкамлаш ниятидамиз. Юртингизда бизнес юритиш учун қулай шароит яратиб берилаётгани “B2B” форматидаги мулоқотларимизни янада чуқурлаштирмоқда.

24 майгача давом этадиган кўргазмада ҳунармандлик буюмларига ҳам кенг ўрин берилган. Россиялик иштирокчиларда қоракўл териларидан тикилган иссиқ кийимлар катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазма доирасида “Ўзбекистон ва Россия кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамкорлиги: муаммо ва истиқболлар” мавзуида анжуман ўтказилиши, экспорт масалалари муҳокама этилиши кўзда тутилган.

**Саид РАҲМОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

# Жанубий Корея компанияси Фарғонада йирик корхона очади

◄1

“Dong-a electric” йирик компаниялардан бўлиб, жаҳоннинг 28 давлатида филиаллари мавжуд. Компания ишлаб чиқариш, дистрибьюторлик, хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Фарғонада унинг қурилиши мўлжалланган электр саноати корхонаси электротехника бўйича республикамизда ягона завод бўлади.

Музокаралар давомида ташкил этиладиган корхона истиқболи ва унинг тўлақонли фаолият кўрсатишида бино, узлуксиз электр энергияси, қулай жойлашув, сув, газ ва бошқа коммуникациялар ҳақида келишиб олинди.

Музокара иштирокчилари вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги кичик саноат зоналарини бошқариш дирекциясининг Фарғона шаҳар кичик саноат зонасидаги биноларини бориб кўрдилар. Инвесторга кўрсатилган бино ва жойлар ҳар томонлама маъқул бўлди.

— Фарғонага биринчи келишим, — дейди Тэ Ву Ким. — Бу ерда катта завод қурмоқчимиз. Водийга жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган янги технология олиб кирамиз. Ишонамизки, ҳудуд электротехника жиҳозлари тайёрловчи марказга айланади.

Музокаралар сўнгида Тэ Ву Ким ва Фарғона вилояти ҳокими Шуҳрат Ганиев томонидан “Dong-a electric” компаниясининг электротехника жиҳозлари заводини қуриш бўйича меморандум имзоланди.

**Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА.**

# «ВИТАМИН» ЭМАС, «ОҒРИҚНИ ҚОЛДИРУВЧИ» ЛОЙИҲАЛАР ЯРАТИШ ЛОЗИМ

*Пойтахтимизда “Ўзбекистон инновацион экотизимининг ривожланишида стартап лойиҳалар ва ёш олимларнинг илмий стажировкалари тараққиёт омили сифатида” мавзуида анжуман уюштирилди.*

**Инновация**

Тадбирда Инновацион ривожланиш вазирлиги вакиллари, вазирлик томонидан берилган грантлар соҳиблари, ёш олимлар, мамлакатимиздаги илк илмий лойиҳалар акселератори — C.A.T. Science Accelerator иштирокчилари, “Яшнобод” инновацион технопарки резидентлари қатнашишди.

Ҳозирги кунда вазирлик стартап лойиҳалар танловининг 2-турини эълон қилди. Ушбу лойиҳанинг биринчи турида жами 17 лойиҳа муаллифига сертификатлар топширилди ва уларни молиялаштириш ишлари бошланди.

Жорий йилда ёш олимларнинг қисқа муддатли илмий стажировкаларини молиялаштиришга 1,5 млн. АҚШ доллари йўналтириш режалаштирилган бўлиб, 100 нафардан зиёд ёш олимларнинг қисқа муддатли илмий стажировкаларини молиялаштириш белгиланган.

— Мамлакатимизда муваффақиятли стартап экотизим яратиш шартларидан бири — “Витамин” эмас, “Оғриқни қолдирувчи” инновацияларни яратиш ҳар қачонгидан муҳим, — дейди Инновацион ривожланиш вазирлиги эксперти Одилжон Абдураззоқов. — “Витамин” ҳарчанд фойдали бўлмасин, аҳолининг жиддий оғриқли муаммоларини ҳал қилолмаганлиги сабабли бозорда муваффақиятга эришолмайди. Буни Segway мисолида кўришимиз мумкин. “Оғриқни қолдирувчи” стартаплар кўп сонли “бемор”ларнинг оғриқли муаммоларини ҳал қилганлиги учун бозорда катта талабга эга бўлмоқда.

Анжуманда энг илғор стартап лойиҳалар яратиш муҳимлиги таъкидланди.

**Дилмурод СОДИҚОВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

**Танлов**

# «Сиз қонунни биласизми?»

*Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўртасида ўтказилаётган “Сиз қонунни биласизми?” анъанавий республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичида 15 жамоа 4 шарт бўйича билимларини синовдан ўтказди.*

Натижада Қарши шаҳар Ички ишлар бошқармаси тасарруфидаги академик лицейнинг “Ватанпарвар” жамоаси ғолиб бўлди.

Шунингдек, “Ҳуқуқ билимдонлари”, “Энг фаол жамоа”, “Энг зукко жамоа”, “Энг яхши саҳна кўриниши”, “Энг яхши видеоролик” каби номинациялар бўйича ҳам фаол иштирокчи жамоаларга рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*Мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий моддий-техник таъминот базаси**

***2019 йил 26 майгача бўлган муддатда қуйидаги товар-моддий бойликлар (нақд пулсиз ҳисоб-китоб асосида) хариди бўйича танлов ўтказилишини***

***эълон қилади***

Унда танлов предметларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, илгари ҳам шундай товарларни тегишли ҳажмларда етказиб бериш тажрибасига эга бўлган субъектларнинг қатнашиши афзал ҳисобланади.

1. Танлов комиссияси ишчи органининг манзили:
ЎзР МВ Марказий МТТ базаси — Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 100.
Телефонлар: 71-294-52-76, 90-949-04-15.
2. Танлов ўтказиш предмети:

| Т.р. | Товар номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Битта бирлик учун энг юқори нарх (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Узунлиги 4-6 м., қалинлиги 4,5-5 см. бўлган, кесилмаган тахта | $м^3$ | 30 | 240 000 |
| 2. | Ўлчами 1,52 х 1,52 м., қалинлиги 0,3 см. бўлган фанер | дона | 500 | 65 000 |
| 3. | 30 мм.ли михлар | кг. | 50 | 12 000 |
| 4. | 60 мм.ли михлар | кг. | 100 | 12 000 |
| 5. | 70 мм.ли михлар | кг. | 120 | 12 000 |
| 6. | 100 мм.ли михлар | кг. | 150 | 12 000 |
| 7. | Мошранг (хаки рангли) универсал эмаль бўёғи | кг. | 600 | 13 000 |
| 8. | Жигарранг универсал эмаль бўёғи | кг. | 100 | 13 000 |
| 9. | Кулранг универсал эмаль бўёғи | кг. | 200 | 13 000 |
| 10. | Оқ рангли универсал эмаль бўёғи | кг. | 500 | 13 000 |
| 11. | Қизил рангли универсал эмаль бўёғи | кг. | 100 | 13 000 |
| 12. | МР-3 электродлари | кг. | 400 | 18 000 |
| 13. | Хом бўз матоси (артикул баҳор, эни 160 см., қалинлиги 120 гр/$м^2$). | п.метр | 1 000 | 8 000 |
| 14. | 0,18/0,22 мм.ли тунука | тонна | 1,5 | 15 000 |

Танловда қатнашиш учун таклифларни тақдим этишнинг сўнгги муддати — 2019 йил 26 май, соат 19.00. Маълумот олиш мақсадида ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонларга мурожаат қилиш мумкин: 71-294-52-76, 90-949-04-15.

3. Товарларни етказиб бериш бўйича таклифлар ҳар бир лот учун кўрсатилган ҳажм доирасида тақдим этилади. Маҳсулот сифати ГОСТ ва маҳсулотга қўйиладиган техник талабларга мос бўлиши керак.
4. Етказиб бериш шартлари: буюртмачининг қуйидаги манзилда жойлашган омборигача: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салор аҳоли пункти.
5. Товарни етказиб бериш муддати — етказиб бериш жадвалига кўра.

Қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик, шунингдек, суд ёки арбитраж текшируви босқичида бўлган ташкилотлар билан шартнома тузилмайди.

*Танлов ҳужжатлари тўловини амалга ошириш учун банк реквизитлари:*
*ЎзР МВ Марказий МТТ базаси*
*ҳисоб рақами: 23404000305050805317*
*МБ ББ Тошкент шаҳри бўйича МКМ*
*МФО: 00014, СТИР: 207 293 568.*

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга нарх бўйича афзаллик берилади.

408Ј/278




*Диққат! Диққат! Диққат!*

**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари эътиборига!**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти тизимидаги «Surxondaryo Agroservis МТР» МЧЖнинг «Қумқўрғон Агросервис МТП 2017» МЧЖ ва «Denov Agroservis va integrallashgan servis markazi МТР» МЧЖ устав жамғармасидаги улушлари бўйича «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ такрорий очиқ танлов савдоларига таклиф этади.**

**Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2018 йил 10 ноябрдаги Қ — 819-сонли қарорига асосан ташкил этилган танловни ўтказувчи комиссия мажлисининг 2019 йил 19 майдаги 2-сонли йиғилиш баённомаси ва «Surxondaryo Agroservis МТР» масъулияти чекланган жамиятининг 2019 йил 20 майдаги 1/1-335-сонли буюртманомасига асосан, бозор баҳоси 10 фоиз пасайтирилган қуйидагилар савдога қўйилмоқда:**

1. Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, «Оқжар» ҚФЙга қарашли «Боғаро» МФЙда жойлашган «Қумқўрғон Агросервис МТП 2017» МЧЖнинг 100 фоиз улуши.

**Бошланғич баҳоси — 6 436 862 638 сўм.**

2. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, «Юрчи» МФЙда жойлашган «Denov Agroservis va integrallashgan servis markazi МТР» МЧЖнинг 100 фоиз улуши.

**Бошланғич баҳоси — 7 681 909 500 сўм.**

Балансда сақловчи: **«Surxondaryo Agroservis МТП» МЧЖ.**

Ихтисослиги: **Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизмати кўрсатиш.**

**Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2019 йил 7 июнь куни соат 11.00 да Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида бошланади. Танлов таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати 2019 йил 6 июнь куни соат 18.00 гача. Таклифларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган иштирокчилар ёки уларнинг ваколатли вакиллари ҳозир бўлишлари мумкин.**

Танлов савдосининг асосий шартлари:

1. Танловда республика резидентлари (якка тартибдаги ва юридик шахс сифатида фаолият юритувчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар) ёки норезидентлари (чет эллик тадбиркорлар ёки уларнинг вакиллари) иштирок этишлари мумкин.
2. Танлов савдоларида қатнашувчи талабгорлар томонидан улуш бошланғич баҳосининг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули танловда эълон қилинган ҳисоб рақамига туширилиши керак.
3. Талабгор ёки унинг ваколатли вакили савдолар ташкилотчисига очиқ танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда шахсан ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;
— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

4. Танлов иштирокчиси ўз бизнес режасида қуйидагиларни ёритиши зарур:

— машина-трактор паркининг асосий фаолияти (механизация ва сервис хизмати кўрсатиш) турини икки йил ичида ўзгартирмасдан, узлуксиз самарали ишлашини таъминлаш;
— мавжуд ишчи ўринларини сақлаб қолиш ва кенгайтириш;
— машина-трактор паркининг мавжуд ишлаб чиқариш потенциалини модернизация қилиш, замонавий дастгоҳ(станок)лар ва ускуналар сотиб олиш ҳисобига сервис хизматлари турини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш, жами киритиладиган инвестиция бўйича таклиф;
— жамиятдаги бўш ер майдонлари, мавжуд бино ва иншоотларда тадбиркорликнинг бошқа фаолиятини йўлга қўйиш бўйича аниқ таклифлар, қўшимча инвестиция киритиш таклифи натижасида барпо қилинадиган қўшимча иш ўринлари;
— улушнинг бошланғич баҳосидан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф қилиш;
— сотиб олиш қийматини энг қисқа муддатда тўлаш бўйича таклифлар;
— машина-трактор парки ишчи-хизматчиларининг иш ҳақидан бўлган қарздорликни биринчи навбатда сўндириш бўйича таклифлар;
— иштирокчининг бошқа таклифлари ва уларнинг самарадорлиги.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 банк иш кунидан кечикмай сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар улуш бошланғич баҳосининг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини олдиндан (ариза буюртманома топширилгунига қадар) савдо ташкилотчиси «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига тўлашлари лозим: «Трастбанк» ХАБ Термиз филиалидаги ҳисоб рақами: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

**Танлов савдолари ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ барча масала бўйича мурожаат учун манзил:**
**Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 19-уй.**
**Тел.: 76-223-15-82. веб-сайт: www.rmm.uz, электрон почта манзили: user100@inbox.uz**

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

*Гувоҳнома: 972.*

407Ј/282

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Бухгалтерия ҳисоби кафедраси профессори

**Содиқжон Валиевич ВОҲИДОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 59 385 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6